O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◆ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2002 йил 2 ноябрь, шанба • №87 (11.475) • Эркин нархда сотилади

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*

*ҚАРОРИ*

## Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида" 2002 йил 24 октябрдаги ПФ-3154-сон Фармонини бажариш юзасидан ҳамда Жамғармага юкланган асосий вазифаларни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:**

1. Вазирликлар, идоралар, корпорациялар, компаниялар, уюшмалар, бошқа хўжалик бирлашмалари, банклар, халқаро, жамоат ва ноҳукумат ташкилотлари, хорижий компанияларнинг Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси муассислари сифатида қатнашиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ёшларнинг "Камолот" ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпия қўмитаси, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан биргаликда Жамғарма ва унинг жойлардаги таркибий бўлинмалари фаолиятини ташкил этишда фаол қатнашсинлар.

2. Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Ҳомийлик кенгаши тузилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти республика даражасида Жамғарма Ҳомийлик кенгашининг раиси эканлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Жамғарма минтақавий филиалларининг ҳомийлик кенгашлари тузилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Жўқорғи Кенгес Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари тегишли равишда минтақавий филиаллар ҳомийлик кенгашларининг раислари ҳисобланадилар.

Болалар спорт иншоотларининг моддий базасини қуриш бўйича қабул қилинган қарорларнинг амалга оширилиши юзасидан масъулият шаҳар ва туманлар ҳокимларининг тегишли ўринбосарлари зиммасига юклансин.

Шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари штатларига болалар спортининг спорт базаси шакллантирилиши ва ри-

**(Давоми 2-бетда).**

Янги иншоотлар

## «ФЕРУЗА» ҚУРГАН «АНҲОР»



**Оҳангаронда Илҳом Қодировни ташаббускор, шижоатли тадбиркор сифатида кўпчилик яхши танийди. У «Оҳангарон» ширкат хўжалигида ўн йил илгари ташкил этган «Феруза» хусусий фермер хўжалиги 11 гектар майдонга олма, ўрик, шафтоли экиб мевазор боғ яратди.**



Хўжалик кенгайиб, чорвачилик равнақ топиб борди. Дастлаб 100 бош қўй-эчкидан иборат чорва туёғи эндиликда икки баробар кўпайди.

– Бу йил 5 миллион сўм кредит олиб, яна 100 бош қўй-эчки сотиб олдик, – дейди фермер. – Ўтган йили ялпи даромадимиз 5 миллион сўмдан ортиб кетди. Бу йил эса бу кўрсаткични 7 миллион сўмдан ошириш ниятидамиз. Соф фойдани 2,5 миллион сўмга етказишни кўзлаб турибмиз.

Дастлабки йиллари хўжаликда уч киши меҳнат қилган бўлса, ҳозир ишловчилар 12 кишига етди. Фермер хўжалиги ўзи етиштирган мева ва гўштни шартнома асосида цемент заводи, шифохоналар ва қариялар уйига етказиб бераяпти. Ўзаро шартномаларнинг бу йилги қиммати 6 миллион сўмга етади.

Соф фойданинг ортиб бориши ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари ривожига асос бўлаяпти. Чунончи, яқинда фермер хўжалиги Оҳангарон шаҳрида «Анҳор» қаҳвахонасини барпо этди. Яна беш киши иш билан таъминланди.

– Келгусида қаҳвахонамиз қошида сомсахона, қандолатчилик цехи, нoввойхона қуришни режалаштирмоқдамиз, – дейди қаҳвахона иш юритувчиси Оловуддин Мирзаакимов. – Келгуси йили бу қурилиш ишларни битказсак, яна камида ўн иш ўрни очилади.



***СУРАТЛАРДА:** 1. Иш юритувчи Оловуддин Мирзаакимов хизмат кўрсатмоқда. 2. «Анҳор» қаҳвахонасининг умумий кўриниши. 3. Меҳнат фахрийси Умарали ота Орзиқулов қаҳвахона хизматидан мамнун.*

***Даврон АҲМАД олган суратлар.***

ВИЛОЯТ ҳаёти

### «МЕН ҚОМУСИМНИ БИЛАМАН»

**Болалар жамғармаси вилоят бўлими Зангиота тумани қишлоқларида «Менинг ҳуқуқларим», «Мен Қомусимни биламан» мавзуларида давра суҳбатлари, савол-жавоб кечалари ўтказди.**

Унинг иштирокчилари ўз ҳуқуқ ва бурчлари ҳақида гапиришди, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Назарбек, Иттифоқ, Зангиота, Эшонгузар, ва Ўзгариш қишлоқларининг ёшлари ниҳоятда фойдали ва қизиқарли бу тадбирларда айниқса, фаол иштирок этишди.

### БАРНО — ТАНЛОВ ҒОЛИБАСИ

**«Турон» кутубхонасида «Йилнинг энг яхши болалар кутубхоначиси» кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди.**

Йил давомидаги фаолиятига кўра унда Зангиота тумани Марказий болалар кутубхонаси ходимаси Барно Файзиева ғолиб деб топилди. Энди у кўрик-танловнинг республика босқичида вилоятимиз шарафини ҳимоя қилади. Иккинчи ўрин ангренлик Гулноза Кучаровага насиб этди.

***Ўз мухбиримиз.***

### ГЕРОНТОЛОГИЯ ХОНАЛАРИ ОЧИЛМОҚДА

**Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси шаҳар ва туман поликлиникаларида геронтология хоналари фаолиятини йўлга қўймоқда.**

Бу хоналарда мутахассис шифокорлар кексаларда учрайдиган хасталикларни аниқлаш ва уни даволаш билан шуғулланадилар. Айниқса, бугунги кунда Янгийўл, Оҳангарон, Зангиота, Чиноз тумани кексалари геронтолог шифокорлардан миннатдор бўлмоқдалар.

Ҳозиргача 15 га яқин шаҳар ва туманларда ана шундай даволаниш хоналари очилди.

***Ўз мухбиримиз.***

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

AZIZ DO`STLAR!

Республикамизда газета ва журналларга 2003 йил учун обуна давом этмоқда. Почта алоқаси бўлимлари ва газета дўконларида, «Матбуот тарқатувчи»нинг вилоят, шаҳар ва туман бўлимларида обунани расмийлаштириш мумкин. Севимли газетангиз **«Тошкент ҳақиқати»**га **2003 йил учун обуна** бўлишни унутманг. Уни вақтида расмийлаштириб қўйсангиз, кўнглингиз тўқ бўлади – Сиз келгуси йил давомида ҳам яна биз билан ҳамроҳ бўлишингиз мумкин.

ВИЛОЯТ ҳаёти

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*
*ҚАРОРИ*

## Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида

вожлантирилиши учун жавоб берадиган биттадан етакчи мутахассислар штати киритилсин.

3. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тузилмаси, унинг чекланган ходимлари сони 18 кишидан иборат бўлган марказий аппарати тузилмаси ва минтақавий филиалларнинг намунавий тузилмаси;

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги Низом маъқуллансин.

Белгилансинки, Жамғарма аппарати ва унинг минтақавий филиаллари таъминоти Жамғарманинг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

4. Жамғарманинг Ҳомийлик кенгашига:

Жамғарма олдига қўйилган вазифаларни ҳал этишга манфаатдор давлат, нодавлат ва жамоат тузилмаларини, шунингдек хорижий шериклар маблағларини жалб этишни таъминлаш;

болалар жисмоний тарбияси ва спортини ривожлантиришга изчил ёндашувларни, шунингдек болалар спорт иншоотлари лойиҳаларининг намунавий, илмий асосланган негизда ишлаб чиқилишини ва жорий этилишини таъминловчи аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш;

Жамғармага унинг зиммасига юкланган вазифаларни бажаришда, унинг моддий-техника ва молиявий базасини мустаҳкамлашда ҳар томонлама кўмаклашиш;

Жамғарма томонидан тўпланган маблағлардан мақсадли /йўналишлар бўйича/ ва қонуний равишда фойдаланилиши устидан қатъий назоратни таъминлаш, Жамғарма ижро этувчи директорининг ва унинг тузилмаларининг Жамғарма маблағларидан фойдаланилиши тўғрисидаги ҳисоботини мунтазам равишда эшитиш;

Жамғарманинг таъсис конференциясини ўтказишда, уни ноҳукумат халқаро ташкилот сифатида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказишда ва унинг тузилмалари раҳбарларини тасдиқлашда кўмаклашиш тавсия қилинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги манфаатдор вазирликлар, идоралар ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда Жамғарма дирекцияси билан биргаликда Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан мақсадли фойдаланиш тартибини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси Жамғарма, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Даврхитектқурилиш" қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2005 йилгача мамлакат аҳоли пунктларида болалар спорт комплексларини жойлаштириш ва ривожлантириш схемасини 2003 йил 1 январгача ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқлаш учун тақдим этсин, бунда уларнинг ҳудудлар бўйича оқилона жойлаштирилишини, шунингдек замонавий талабларга мувофиқ техника билан жиҳозланишини назарда тутсин.

7. Ўзбекистон Республикаси "Даврхитектқурилиш" қўмитаси кўрсатиб ўтилган талабларга мувофиқ болаларнинг ижтимоий ва ёши хусусиятларини ҳамда болалар ва ёшларнинг жисмоний тарбия-спорт тайёргарлигига эҳтиёжини, шунингдек болалар спорт комплексларининг санитария-гигиена ва маиший шароитларига қўйиладиган юксак талабларни ҳисобга олувчи болалар спорт комплексларининг базавий намунавий лойиҳалари тендер асосида ишлаб чиқилишини ташкил этсин.

Жамғарма болалар спорт комплекслари базавий намунавий лойиҳаларининг буюртмачиси этиб белгилансин, бош лойиҳалаштириш ташкилоти функциялари "Даврхитектқурилиш" қўмитасининг "ЎзЛИТТИ" акциядорлик жамиятига юклансин.

Белгилансинки, экспертизадан ўтмаган ва "Даврхитектқурилиш" қўмитаси билан келишилмаган болалар спорт комплексларини қуриш қатъий тақиқланади.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ой муддатда Жамғарманинг минтақавий филиалларини жойлаштириш, уларни ўз функцияларини бажаришлари учун мебель ва зарур техника, алоқа воситалари билан таъминлаш чора-тадбирларини кўрсинлар.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижро этувчи дирекциясини жойлаштириш учун бир ой муддатда бино ажратсин.

9. "Тошшаҳарйўловчитранс" уюшмаси шартнома асосида Жамғарма дирекциясини хизмат автотранспорти билан таъминласин, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги эса Жамғарма буюртманомасига кўра Жамғарма марказий аппаратини ва унинг минтақавий филиалларини зарур алоқа, шу жумладан ҳукумат алоқаси воситалари билан жиҳозласин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2002 йил 31 октябрь.

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

# ҲАМКОРЛИК

## ЖАҲОН БОЖХОНАЧИЛАРИНИНГ ТОШКЕНТ ДЕКЛАРАЦИЯСИ

**Пойтахтдаги "Интерконтинентал" меҳмонхонасида Жаҳон божхона ташкилоти (ЖБТ) шафелигида ўтказилган халқаро конференция ниҳоясига етди.**

Буюк ипак йўли бўйида жойлашган давлатлар гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашига бағишланган ушбу анжуманда ўттизга яқин мамлакатнинг божхона идоралари ва қатор йирик халқаро ташкилотлар делегациялари иштирок этди.

XXI аср бошига келиб жаҳон ҳамжамияти террор аталмиш офатнинг томирини қирқиш билан жиддий шуғулланаётган, унинг молиявий манбаларидан бири ҳисобланган гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши курашаётган бир пайтда мазкур тадбир алоҳида аҳамият касб этади.

Анжуман ниҳоясида Буюк ипак йўли бўйида жойлашган давлатлар божхона идораларининг гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашдаги амалий ҳаракатларини бирлаштиришга қаратилган Декларация қабул қилинди.

## АЛОҚАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

**Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Белгия Қироллиги молия вазири Дидье Рейндерс раҳбарлигидаги делегация вакиллари Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, макроиқтисодиёт ва статистика вазири Рустам Азимов билан учрашди.**

Мамлакатимизнинг Молия, Соғлиқни сақлаш, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари раҳбарлари ҳам иштирок этган мулоқот чоғида Ўзбекистон-Белгия ҳамкорлиги кўплаб соҳаларни қамраб олгани ва ўзаро алоқаларни янада ривожлантиришдан ҳар икки томон ҳам манфаатдор экани алоҳида таъкидланди. Истиқболда алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган соҳалар хусусида фикрлашиб олинди. Жумладан, Ўзбекистон билан Белгия иқтисодиёт, солиқ, божхона, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларидаги ўзаро ҳамкорлигини тағин ҳам кенгайтириши мумкин.

## МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАНДИ

**Осиё мамлакатлари Университетлари федерацияси ҳам таълим соҳасида Ўзбекистоннинг яна бир ҳамкорига айланди.**

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазрилиги ва "Устоз" жамғармаси ушбу федерация билан ҳамкорлик тўғрисида меморандумни имзолади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида Осиё мамлакатлари Университетлари федерацияси раиси, Жанубий Корея университети ректори Сан Мун, профессор Кюинг Жун Ли иштирокида ўтказилган учрашув давомида Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотлар Корея Репсубликаси ва Осиёнинг бошқа мамлакатларида ҳам катта қизиқиш уйғотаётгани таъкидланди.

*(ЎзА).*

Тадбиркорлик

# БИР ЙИЛ КАФОЛАТ БЕРАМАН...

***— дейди Тошкент тумани Ғиёс Умаров ширкат хўжалигидаги хусусий тадбиркор Рихсибой Мажидов***

Бу гапга ишонмасангиз керак. У ўзи ишлаб чиқарган пойабзалларга бир йил кафолат беради. Бирон ери ўзидан-ўзи йиртилса, елими кўчса ёки бошқа шикаст етса, уста Рихсибой Мажидов оёқ кийимни янгисига алмаштириб беради ёки бепул таъмирлатиб олишингиз мумкин.

«Ҳозир ҳеч бир оёқ кийим узоқ муддатга чидамаяпти-ку, бу тадбиркор бунча ўзига ишонмаса?» — дейишингиз мумкин. Тадбиркорнинг бундай ҳаракат қилиши учун асослари бор, албатта.

Асли касби пойабзалчилик бўлган Рихсибой анча йил оёқ кийимлар фабрикасида меҳнат қилди. Юртимиз мустақилликка эришиб, тадбиркорликка кенг йўл очилгач, у ҳам мустақил равишда иш бошлади.

Қарийб ўн йил давомида эгаллаган ва ўз синовидан ўтган билимлар Рихсибойни уялтирмади.

Шу йилнинг бошида тадбиркорлик гувоҳномасини олди. Яқинда эса ишлаб чиқарган маҳсулотлари товар белгиси билан харидорларга етиб бора бошлади. Белгида «Mens SHOES» деган ёзув бор, яъни — эркаклар оёқ кийими.

Аввалига фақат маҳалладошлар оёқ кийимларга харидор бўлишган бўлса, бугунга келиб шаҳар бозорларида тадбиркорлик билан шуғулланувчилар ҳам бу пойабзалларга қизиқмоқдалар.

— Мен етти йилдан буён савдо билан шуғулланаман, — дейди Иноятхон Қобулова. — Илгари Хитойдан оёқ кийимлар олиб келар эдик. Яқинда Рихсибойнинг довруғини эшитиб қолдик. Харидорлар ҳозирча бу оёқ кийимлардан шикоят қилганларича йўқ.

— Тўғри, ишлаб чиқараётган товарларимнинг харидори кўпайиб бормоқда, — дейди Р. Мажидов. — Ҳозир ойига 150-200 жуфт пойабзал ишлаб чиқараётган бўлсак, цех ишга тушгач, 1000-1500 жуфт пойабзал тайёрлаш имкони пайдо бўлади.

Косиб Рихсивой Мажидовда ўз маҳсулотларини чет элга экспорт қилиш нияти ҳам йўқ эмас.

***Равшан ЁҚУБЖОНОВ.***



*СУРАТДА: (чапдан) тадбиркор Рихсибой Мажидов ўз шогирди Дилшод Исломов билан ишлаб чиқарилган пойабзалларнинг сифатини кўздан кечирмоқда.*

***Даврон АҲМАД олган сурат.***

# Ёш ўқитувчилар малака оширишди

**Ўрта махсус касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институтида энди фаолият бошлаган ёш ўқитувчиларнинг ўқув машғулотлари ниҳоясига етди.**

Ёш мутахассисларга саккиз йўналиш бўйича назарий ва амалий билим берилди. Таълим муассасаларида ўқув-тарбия ишларини тўғри ташкил этиш, таълим жараёнида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш, компьютер ва Интернет тизимида ишлаш бўйича машғулотлар ўтказилди.

***Беҳбуд БОТИРОВ,***
***ЎзА мухбири.***

# ЭПЛАГАН РЕЖАНИ БАЖАРЯПТИ

**«Ачамайли» ширкат хўжалиги давлатга пахта сотиш шартнома режасини ҳар йили Бўка туманида биринчилар қатори октябрь ойининг ўрталаридаёқ бажаради.**

Лекин бу йил вазият бироз бошқача. Аввало, йиғим-терим чўзиляпти. Кунлик суръат ҳам ҳар йилгидек эмас. Чунки, қозонда бўлса, чўмичга чиқади деганларидек, ҳосилнинг чўғи ҳам паст.

Хўш, нега шундай бўлди?

— Бунинг сабабини турлича изоҳлаш мумкин, — дейди бош иқтисодчи Сафарали Тошев. — Бир сўз билан айтадиган бўлсак, ҳосилнинг тақдири кўкламдаёқ ҳал бўлиб қолди. Биринчидан, бу йил эрта экканлар кўпроқ ютқазди. Сабаби — ёғингарчилик туфайли чигит чириб кетди. Иккинчидан, ёзда ҳарорат ҳаддан зиёд юқори бўлиб, аксарият ҳосил тугунчалари тўкилиб кетди. Оқибатда ғўза тупининг ўртасида кўсак ҳар йилгидан анча кам бўлди. Учинчидан, 200 гектарча майдондаги ғўзани дўл урди. Уч марталаб қайта экилган майдонлар ҳам бўлди.

Мутахассиснинг фикрини тасдиқлаб, шуни айтиш жоизки, бундай аҳвол фақат «Ачамайли»да юз бергани йўқ. Вилоятнинг ҳамма хўжаликларида ҳам кўкламги ортиқча ёғинларнинг асорати кучли бўлди. Лекин тақдирга тан бериб ўтирмай, ҳосил учун астойдил курашган хўжаликлар шартнома режаларини бирин-кетин бажаришяпти. Жумладан, ачамайлиликлар ҳам бугунги кунгача давлатга 1650 тоннага яқин пахта сотиб, режани 95 фоизга етказдилар. Йиғим-терим эса давом этяпти. Демак, шартнома режасини бажариш имконияти бор.

— Ҳар йили биринчи теримдаёқ режани 80 фоиздан ошириб қўярдик, — дейди молия-ҳисоб маркази бошлиғи Эргаш Холматов, — бу йил эса, 70 га ҳам бормади. Шунинг учун теримга иложи борича кўпроқ одам жалб этиш мақсадида, уларни рағбатлантириш чораларини кўрдик.

Дарвоқе, хўжаликда ишчи кучи етарли. Пудратчилар четдан ёрдамчи жалб қилишга муҳтож эмаслар. Пахта эккан 181 та пудратчи оиладан ҳамда уларнинг қариндош-уруғлари ва қўни-қўшниларини қўшиб ҳисоблаганда 1000 дан зиёд киши теримда иштирок этади. Бундан ташқари, режани биринчи бўлиб бажарган бригадаларга махсус совrin ваъда қилинди. Айниқса, қўлда терилган пахтанинг ҳар килограммига аввал 28 сўмдан, кейинчалик 30 сўмдан, энди эса, 31 сўмдан нақд пул тўлаб борилаётгани теримда оммавийликни таъминлади.

Бугунги кунгача гектаридан 28-30 центнердан ҳосил кўтариб, режани 103-106 фоизга бажарган Анвар Аҳмедов, Ўринбой Хасраев, Очил Имомов бошлиқ бригадаларга ваъда қилинганидек, биттадан қўй берилди.

Уруғлик сифатида топширилган 624 тонна пахта учун биринчи босқичда қўшиб берилган 24 миллион сўмни ҳам қўшиб ҳисоблаганда ҳозир пахтадан 250 миллион сўмдан зиёд даромад кўрилди. Пахтачилик учун оғир келган йилда бу яхши натижа, албатта.

***Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,***
***«Тошкент ҳақиқати» мухбири.***

# ДАЛВАРЗИНЛИКЛАР ТАЖРИБАСИ

**шуни кўрсатмоқдаки, уруғлик ғалла сифатли тайёрланган майдонларга октябрдан кечиктирмай экиб олинса, дон хирмони баракали бўлади**



Ғаллачиликда орттирилган тажриба аста-секин уруғчиликка ихтисослашиш имконини берди. Жумладан, бу йил ғалла учун ажратилган 920 гектар ернинг 400 гектарига элита уруғи сепилди. Мақсад — шунча майдонда уруғлик ғалла етиштириш.

Хўжалик ғаллакорлари ер шароитига қараб, экишни 20 сентябрдан бошлаган эдилар. Экиш олдидан очиқ майдонларга 200 килограммдан, ғўза қатор ораларига эса, 100 килограммдан ўғит берилди. Очиққа экадиган иккита сеялка, ғўза қатор орасига экадиган тўртта мослама унумли ишлатилиб, бугунги кунгача деярли ҳамма майдонга уруғ сепиб бўлинди. Тажрибали тракторчилардан Солижон Эргашев, Дўсмат Шарипов, Қодир Холматов кунига 40 гектар майдонга ғалла экишди.

— Олди майдонларда ғалла майсаси ер бетини қоплади, — дейди бош ҳосилот Носир Маматқулов. — Дастлабки экилган майдонлар икки марта суғорилиб, ҳар йилгидек, бўлажак мўл ҳосилга замин яратилди.

Бекобод туманидаги «Далварзин» ширкат хўжалиги ғаллакорлари буғдойнинг «Крошка» навини обдон синовдан ўтказишди, ўзига хос агротехникасини пухта ўрганишди. Шу тариқа хўжаликда ҳар йили ғалладан барқарор ҳосил олиниб, шартнома режалари анча ошириб бажариладиган бўлди. Энг муҳими даромад ортиб, ғаллакорларнинг рўзғорига барака кирди. Масалан, ўтган йили хўжалик ғалланинг ўзидан 101 миллион сўм соф даромад олди. 55-60 центнердан хирмон кўтарган Абдусалом Олтмишев, Нормад Мақсудов каби ўнлаб пудратчиларга 3-5 тоннадан буғдой қолди.

***Ўз мухбиримиз.***

***СУРАТДА:*** *хўжаликнинг етакчи мутахассиси Бозорбой Назарбоев (ўнгда) бош пудратчи Абдусаттор Хонбоев билан буғдой майсасининг ривожини кўздан кечирмоқда.*

***Даврон АҲМАД олган сурат.***

## Тадбир

**Комилжон Отаниёзов номидаги «Лазги» ашула ва рақс ансамбли жамоаси Чиноз туманидаги «Йўлтушган» ширкат хўжалиги пахтакорлари ҳузурида бўлиб, катта концерт дастурини намойиш этди.**

# «Лазги» ва «Ўзбеккино» хизматда

Бош балетмейстр Зуҳра Ғиёсова раҳбарлигидаги раққоса ва хонандалар ижросидаги қўшиқ ва рақсларни дала меҳнаткашлари завқ билан томоша қилиб, мароқли ҳордиқ чиқардилар.

Тумандаги «Янгиобод» фермер хўжалигида эса, «Ўзбеккино» компанияси бир гуруҳ кино ижодкорлари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда дала меҳнаткашлари «Ўзбеккино» томонидан яратилаётган янги фильмларда кўтарилган асосий мавзулар, уларда илгари сурилган ғоялар билан таништирилди.

***Орзиқул МАЪМУРОВ.***

## Қарор ва ижро

# ҲАШАРЧИЛАРГА ЭЪТИБОР КЕРАК

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бу йилги пахта ҳосилини йиғиштириб олишни уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари ҳақидаги қарори қандай бажарилмоқда?**

Вилоят прокуратура органлари шуни аниқлаш мақсадида туманларда бир қатор текширишлар ўтказишди. Бўка, Оққўрғон, Ўртачирчиқ ва Қуйичирчиқ туманларининг хўжаликларида, қабул пунктлари ва пахта тозалаш заводларида жиддий камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилаётганлиги, ҳисоботларда ҳақиқий аҳволни бузиб кўрсатиш, теримчиларга зарур шароит яратмаслик ҳоллари юз бераётгани аниқланди.

Чунончи, Ўртачирчиқнинг «Қайтмас» ширкат хўжалигида шундай бўлган. Терима пахтакорларга ёрдамга чиққан 400 киши 5-мактаб биносига жойлаштирилган. Лекин улар учун зарур тиббий-маиший шароитларни яратишни унутишган. Бу ерда, ҳатто, иссиқ овқат тайёрлаш учун ҳам имконият йўқ. Ҳашарчилар даладан қайтишганда эса, ювиниб-тараниб олиш шароитини-ку асло гапирманг. Ётиб-туриш хоналари санитария-гигиена талабларига мутлақо жавоб бермайди. Тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этиш хаёлларига ҳам келмаган. Ҳатто, тоза ичимлик суви вақтида етказиб бериб турилмайди.

Тумандаги Акмал Икромов номли, «Ҳақиқат йўли» ширкат хўжаликларида ҳам аҳвол бундан яхши эмас. Текшириш натижаларига кўра, «Қайтмас», Акмал Икромов номли, «Ҳақиқат йўли» ширкат хўжаликлари касаба қўмиталарининг раислари А. Шалибоев, А. Марасулов ва Г. Файзуллаеваларга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

Қуйичирчиқ туманидаги «Пахтачи» ширкат хўжалигидаги беларволик таажжубланарли. Ҳашарчилар учун шарт-шароитлар яратилмаган. Яшаш хоналари санитария-гигиена қоидалари талабларига асло жавоб бермайди. Тиббий хизмат кўрсатиш учун шароит яратилмаган. Тумандаги «Дўстлик», «Янги ҳаёт» ширкат хўжаликлари ва «Ўзбекистон 5 йиллиги» тажриба хўжалигида ҳам худди шундай қонун бузилишларига йўл қўйилган.

Текшириш натижаларига кўра, «Пахтачи», «Дўстлик», «Янги ҳаёт» ширкат хўжаликлари ва «Ўзбекистон 5 йиллиги» тажриба хўжалигининг раис ўринбосарлари М. Бўронов, И. Эргашев, Х. Отабоев ва Н. Азимовлар қонун бузилишига йўл қўймаслик ҳусусида расман огоҳлантирилди.

Шунингдек, Чиноз туманидаги «Чиноз» пахта тозалаш корхонасида 8та, шу корхонага қарашли Шамсиев номли ва «Пахта» қабул масканларида 4 тадан носоз электр қурилмаларидан фойдаланилган.

Текшириш давомида улар таъмирланиб, ишга туширилди. Туман прокуратураси ишда жиддий камчиликларга йўл қўйган бу корхоналарнинг энергетиклари С. Абдуллаев, А. Ҳамроев ва А. Содиқовларни қонун бузилишига йўл қўймаслик ҳусусида расман огоҳлантирилди.

Вилоят прокуратура органлари Вазирлар Маҳкамасининг қарори бажарилиши жараёнида йўл қўйилган қонунбузарликлар ҳусусида жами 12та тақдимнома киритди, 61 нафар мансабдор шахс расман огоҳлантирилди. 21 нафар мансабдор шахс эса интизомий жавобгарликка тортилди. 19 нафар шахсга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарликка доир ишлар қўзғатилди. 3 нафар шахсдан жарима ундирилди. Терим пайтидаги қонунбузарлик ҳусусида битта жиноят иши қўзғатилди.

Вилоят прокуратура органлари томонидан мазкур қарор ижроси устида прокурорлик назорати кучайтирилиб, текширишлар давом эттирилмоқда.

***Иноят ШУКУРОВ,***
***Тошкент вилояти прокуратураси умумий назорат бўлими бошлиғи, биринчи даражали ҳуқуқшунос.***

## 01 огоҳлантиради

**Вилоят ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ходимлари пахта ҳосилини териб олиш, ташиш, сақлаш ва қайта ишлаш мавсумини талофотсиз ўтказиш учун ёнғин хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ риоя қилиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини эслатади.**

# ҲОСИЛНИ АСРАНГ

Пахта териш машиналари, трактор ҳайдовчилари, уларнинг ёрдамчилари ва бошқа йиғим-теримга жалб қилинган масъул ходимлар махсус ёнғинга қарши йўриқномадан ўтишлари шарт.

Йиғим-теримда ишлатиладиган пахта териш машиналари, тракторлар ва бошқа транспорт воситалари учқун ўчиргич ва бирламчи ўт ўчириш анжомлари билан жиҳозланиши лозим. Мой, ёқилғи томадиган, электр ускуналари носоз ва учқун ўчиргичсиз бўлган машиналардан фойдаланиш қатъиян тақиқланади.

Пахта хом ашёси ортилган трактор тиркамаларининг усти брезент шолчалар билан ёпилган бўлиши керак.

Иш пайтида пахта териш машиналарида, хом ашё ташиётган транспортларда, пахта сақланадиган жойларда чекиш ва очиқ оловдан фойдаланиш, бункерлари хом ашё билан тўлган пахта териш машиналарини ёқилғи қуйиш ва уларни далаларда қолдириш мумкин эмас.

Юқорида айтиб ўтилган ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш масъулиятли мавсумни беталофот ўтказишнинг асосий омилидир.

***Рамзия СУЛАЙМОНОВА,***
***Тошкент вилояти ИИБ ЁХБ инспектори.***

# XXI asr va dunyo

Mamlakatlar
Odamlar
Voqealar
G'aroyibotlar



## Eng so'nggi xabarlar

## ВУЛҚОН ҚАЙТА УЙҒОНДИ

Шу кунларда Европани тошқинлардан ташқари яна бир табиий офат хавотирга солмоқда. Италия жанубидаги Этна тоғида минтақанинг энг йирик вулқони қайта уйғонди.

Этна тоғида сўнгги 309 йил ичида тўрт марта вулқон отилиши кузатилган. Бироқ мутахассисларнинг айтишича, йиллар ўтиши билан вулқон хавфи янада ортиб бормоқда. У ойлаб тинч ҳолатда туриши ва кутилмаганда отилиши мумкин. Шу сабабли табиатшунос олимлар тоғ атрофида яшовчи аҳолини хавфсизроқ жойларга кўчишга чақирмоқда.

Сицилиядаги навбатдаги ваҳима ўтган якшанба куни бошланди. Шу куни Сицилиянинг шарқий қирғоғидаги тоғ этакларида ернинг 200 марта силкиниши қайд этилди. Ёнғин чиқиши эҳтимоли бўлгани учун сув ортилган самолётлар Этна атрофига сафарбар этилди.

## НЕПАЛ САЙЛОВ АРАФАСИДА

13 ноябрь куни Непал қироллигида парламентга сайлов бўлиб ўтади. Непал ҳукумати ушбу сиёсий тадбирни муваффақиятли ўтказиш учун барча чорани кўрмоқда. Ҳатто, шу мақсадда мамлакатда ноқонуний фаолият кўрсатаётган Непал коммунистик партияси (Маочилар) аъзолари билан ҳам муроса қилишга тўғри келмоқда.

Янги ҳукумат маочиларни қуролли можарони тўхтатишга қаратилган музокараларни бошлашга чақиришни режалаштирмоқда.

Сўнгги пайтларда маочилар парламент сайловига ҳалал беришга уриниб келади. Мамлакатнинг турли вилоятларида тез-тез қўпорувчилик, ҳукумат вакилларига суиқасд уюштириб турилибди. Аввалги бош вазир Шер Баҳодир Деуби ҳам можарони ҳал эта олмаганликда айбланиб, қирол Гьянендра қарори билан истеъфога чиқишга мажбур бўлганди. Ҳукумат эса тарқатиб юборилди.

## БРАЗИЛИЯНИНГ ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТИ

Куни кеча Бразилияда президент сайловининг якуний давраси бўлиб ўтди. Унда жами 85,6 миллиондан ортиқ сайловчи иштирок этди. Меҳнаткашлар партияси вакили Луис Инасиу Лула да Силва рақибини ортда қолдириб, энг кўп овоз олишга муваффақ бўлди.

Сайлов жараёнини кузатган халқаро ҳамжамият вакиллари унинг яхши ташкиллаштирилганини таъкидламоқда. Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида олти мингга яқин сайлов участкасига 40 мингдан ортиқ электрон сават тарқатилган.

Сайлов натижасига кўра овоз берганларнинг 61,3 фоизи Лула да Силвани қўллаб-қувватлаган. Иккинчи номзод Жозе Серра амалдаги ҳукумат партияси – Социал-демократлар вакили эди. 38,6 фоиз аҳоли унга хайрихоҳлик билдирди.



Сянган (собиқ Гонгконг).

*4 ноябрь ЮНЕСКО ташкил топган кун*

## ЮНЕСКО: ЭЗГУЛИК МУҲОФАЗАСИДА

**БМТнинг 1946 йил 4 ноябрда фаолият бошлаган Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти - ЮНЕСКОга ҳозир дунёнинг 185 мамлакати аъзо. Шулардан 165таси ташкилот бош қароргоҳи жойлашган Париж шаҳрида ўзининг доимий ваколатхонасига эга.**

Халқлар ўртасида таълим, фан ва маданият каби соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш орқали дунё миқёсида тинчлик ва барқарорликни таъминлашга ҳисса қўшишни мақсад қилган ЮНЕСКО ўтган йиллар мобайнида бу борада талайгина ишларни амалга оширди. Ташкилотга аъзо бўлган мамлакатларнинг 178тасида, жумладан Ўзбекистонда ҳам, ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссия тузилган. Улар мазкур давлатларнинг фан, таълим, маданият соҳаларини ривожлантириш учун масъул бўлган муассасалар билан ҳамкорлик қилади.

ЮНЕСКОнинг Ўзбекистон билан ҳамкорлиги тўғрисида гап кетганда, бу алоқалар истиқлол йилларида кескин ривожланиш сари юз тутганлигини таъкидламоқ жоиз. ЮНЕСКО фаолиятида муҳим аҳамият касб этувчи Марказий Осиё давлатлари, хусусан, Ўзбекистон - бу ташкилотнинг доимий диққат марказида.

1993 йилда Ўзбекистон ЮНЕСКОга аъзо бўлди. Орадан уч йил ўтгач, мамлакатимизда мазкур ташкилот ваколатхонаси фаолият бошлади.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида қадимий ёдгорликларни асраб-авайлаш, буюк бобокалонларимиз номларини улуғлаш, дунёга танитиш, халқимизнинг дунё цивилизациясига қўшган ҳиссасини ҳаққоний баҳолаш - умуман қадимий маданиятимизни, урф-одат ва анъаналаримизни тиклаш ва тарғиб қилиш борасида буюк ишлар амалга оширилди. 1994 йили Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги, 1996 йили Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги, 1997 йили Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллик тўйлари, 1999 йили «Алпомиш» халқ достони яратилганининг 1000 йиллиги, 2001 йили "Авесто" яратилганининг 2700 йиллиги, 2002 йили эса Термиз шаҳрининг 2500 йиллик тўйи нишонланиши – буларнинг бари миллий маданиятимизни тиклаш борасида амалга оширилган улкан хайрли ишларнинг бир қисми, холос. Бу тантаналар ЮНЕСКО юбилейлари доирасида нишонланган, уларни халқаро миқёсда ўтказишда ташкилотнинг ҳиссаси беқиёс бўлган эди.

Ўзбекистон-ЮНЕСКО ҳамкорлиги таълим соҳасида ҳам самарали кечмоқда. Ўзбекистонлик мутахассислар ЮНЕСКО ҳузуридаги Таълимни режалаштириш институтида малака ошириб қайтмоқда. Бундан ташқари, ташкилот қатор жамғарма ва олий ўқув юртлари билан ҳамкорликда мамлакатимизда ахборот технологиялари соҳасини ривожлантиришда фаол қатнашмоқда. Шунингдек, Ўзбекистондаги ўттизга яқин мактаб, гимназия, лицей ва ҳунар билим юртлари ЮНЕСКОнинг Бирлашган мактаблар дастури доирасидаги тадбирларда иштирок этаётгани ҳам мамлакатимиз таълим соҳасини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этиб келмоқда.

Дунёда турли ном ва шаклдаги жамғарма, ташкилоту уюшмалар талайгина. Уларнинг кўпчилиги ўз олдига жуда буюк мақсадларни қўйиб, умумбашарий муаммоларни ҳал қилишга даъвогарлик қилади. Бироқ аксарият ҳолларда бу каби ташкилотлар жуда тор доирада ҳаракат қилади. Ана шунда ЮНЕСКО каби жаҳон миқёсида фаолият юритувчи, халқлар ўртасида тинчлик ва ҳамкорлик ғояларини тарғиб қилувчи ташкилотлар нечоғли керак экани, улар билан ҳамкорлик қилиш қанчалик муҳим аҳамият касб этиши янада ёрқинроқ намоён бўлади.

***Бобур СОБИРОВ,***
***ЎзА шарҳловчиси.***

# Турфа олам

## ТЕЖАГАН МАЪҚУЛ



Вашингтондаги озиқ-овқат сиёсатини ўрганувчи халқаро институт ходимлари фикрича, 2025 йилда сувга бўлган талаб 1995 йилдагига нисбатан бир ярим баравар кўпаяди. Ўша пайтга келиб сув танқислигидан ҳар йили камида 130 милллион тонна озиқ-овқат маҳсулоти етишмовчилиги юзага келади.

Офатдан ривожланаётган мамлакатлар кўпроқ азият чекиши мумкин, дейди кузатувчилар. Тахминларга қараганда, хусусан, 2010 йилга келиб сувга эҳтиёжнинг ортиши туфайли, Хитой ва Ҳиндистоннинг шимолий ҳудудларида шунингдек, Африка қитъасининг шарқий қисмида ҳамда Мағрибда ер ости сувлари ҳам талабни қондира олмай қолади.

Мутахассислар сувдан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ниҳоятда зарурлигини таъкидламоқда.

## БОЛА НЕГА ЙИҒЛАЙДИ?



Испаниялик Педро Моганас гўдак йиғисини инсон тилига ўгирадиган мослама кашф этди.

У беш хил йиғини аниқлаб, уларга нима сабаб бўлишини назарий жиҳатдан исботлади. Назарий билимлар тезда амалиётга татбиқ этилди. Янги мослама атиги йигирма сония ичида йиғининг қайси турга мансублиги ва унинг сабабларини аниқлаб беради. «Why cry» деб аталадиган мослама бола нима истаётгани ва нима учун йиғлаётганини осонликча айтиб беради. Йиғининг тури аниқлангач, мослама экранида чақалоқ юзини тасвирловчи шакллардан бири пайдо бўлади. Шунга қараб ота-она чақалоқда зерикиш, очлик, оғриқ, уйқу ёки зўриқиш ҳолати рўй бераётганини билиши мумкин.

## УЗОҚ ЯШАШНИНГ СИРИ



Сент-Питерсберг (Флорида штати) шаҳрида АҚШнинг энг кекса фуқароси Мэри Парр вафот этди. 113 йил умр кўрган бу аёл дунёнинг энг кекса кишилари рўйхатида иккинчи ўринда турарди. Расмий маълумотларга қараганда, 115 ёшли Камато Хонго (Япония) мазкур рўйхатнинг биринчи қаторида қайд этилган.

1889 йилнинг 1 февралида Индиана штатида туғилган Мэри Паррдан узоқ яшашнинг сири ҳақида сўрашганида, у ҳар қандай шароитда ҳам тушкунликка тушмаслик, ҳазил-мутойибага дўст тутиниш ва ҳеч қачон эрга тегмаслик, деб жавоб қайтарган эди. Аммо мутахассислар фикрича, Мэрининг узоқ умр кўришига наслий сабаблар ҳам бор. Масалан, унинг ота-онаси 90 йилдан ортиқ умр кўрган бўлса, опаси 100 ёшда вафот этган.

**(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).**

Турфа олам

